

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2011 йил 12 август, № 157 (5324) Жума

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

***Яқин орада Қўқон томонларга йўлингиз тушдими? Бормаган бўлсангиз, вақт топиб бу кўҳна шаҳарни бир зиёрат қилинг. Ишончимиз комилки, вақтингиз зое кетмайди. Зеро:***

***— Ҳўқанди латиф истиқлол йилларида Юртбошимизнинг юксак эътибори ва ташаббуси билан буткул ўзгариб, чирой очиб, мафтункор қиёфага эга бўлди. Ўзим шу шаҳарда истиқомат қилаётган сулоламизнинг ўн иккинчи вакилиман. Умрим бино бўлиб, она-шаҳримда бундай улуғвор ўзгаришлару бунёдкорликни кўрган эмасман.***





## ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН МУНАВВАР ШАҲАР

Тўғри, азалдан машҳур шаҳарлар ҳақида гап кетса, Қўқон ҳамиша юксак эҳтиром билан тилга олинади. Негаки, Қўқон қадимдан санъат, адабиёт ва маданият ўчоқларидан бири бўлиб келган. Шаҳарнинг ўзига яраша нуфузи, ўтмиши бор. Фахрлансак арзийдики, кўҳна кентнинг ҳақиқий қиёфаси, жозибаси, тараққиёти мустақилликка эришганимиздан сўнг оқил ва одил Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, янгитдан бўй кўрсатди. Бугун ҳар биримиз ана шу юксак эътиборни юракдан ҳис этиб, Ватан равнақи йўлида камарбаста бўлмоқликка интилаяпмиз.

Ҳамидхон ота Қодировнинг бу гаплари кечаги ва бугунги кун ҳақида чуқур мулоҳаза юритиш асносида кўнгилга келган эътироф, тан олинган ҳаётий ҳақиқатлардир. Зотан, Қўқон ёшу қари, каттаю кичикнинг кўз ўнгида яшарди, обод бўлди. Президентимизнинг 2009 йилдаги ташрифидан сўнг шаҳар чин маънода юксак тараққиётга, янгиланиш ва бунёдкорликка юз тутди.

— Она шаҳримизнинг кундан-кун яшариб, гўзаллашиб бораётганини кўриб, қувончдан ичимга сиғмай кетаман, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ устаси Абдуғани Абдуллаев. — Қўқон ва унинг атрофидаги қишлоқларда ҳаёт ўзгариб, одамлар турмуши фаровонлашиб бораётганидан, янгидан-янги иншоотлар қурилаётганидан беҳад севинаман. Айниқса, сўнгги икки йил ичида асрларга татигулик ўзгаришлар рўй берди. Халқимизнинг бунёдкорлик, яратувчанлик илҳоми жўш уриб, шаҳримиз янада чирой очди. Аввалги на шарқона, на ғарбона меъморчилик анъаналари талабларига жавоб бера оладиган кўримсиз иншоотлар ўрнида замонавий бинолар қад ростлади. Биргина Ўрда майдони юздан зиёд ана шундай режасиз иншоотлардан холи бўлди. Натижада Озодлик хиёбони ва Ўрда майдони қўшилиб, ажойиб шарқона меъморий ансамбль вужудга келди. Бу ерда шахмат-шашка клуби, боулинг маркази, болалар хиёбони каби миллий ва замонавий уйғунликдаги гўзал иншоотлар барпо этилди. Бугун ушбу манзарага, ҳеч иккиланмай, ўтмиш ва келажак туташган чорраҳа, дея таъриф бериш мумкин.

(Давоми 2-бетда).



## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Энг яхши сайтлар

**“UZ” миллий домени интернет фестивалида аниқланади**

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб юртимизда “UZ” миллий домени интернет фестивали бошланди. Мазкур тадбир “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, “UZINFOCOM” компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази томонидан ташкиллаштирилди. Фестиваль мувофиқлаштирувчиси “InfoCOM.UZ” журнали, расмий кўмакчи эса Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидир.

(Давоми 2-бетда).

### Янгиобод чеварлари

***ЖИЗЗАХ.*** *Янгиобод туманида “Янгиобод чеварлари” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.*

Ҳозир 42 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланган мазкур корхонада 50 мингтагача кийим-кечак тайёрлаш имконияти юзага келди.

Таъкидлаш керакки, вилоятда жорий йилда енгил саноатни ривожлантириш мақсадида 9 та йирик лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 30,5 миллион АҚШ доллари ҳамда 1,1 миллиард сўмлик сармоя йўналтирилмоқда.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Бежирим, қулай, рақобатбардош

***СУРХОНДАРЁ.*** *Шўрчи туманидаги “Анвар Аброр Дилшодбек” хусусий корхонасида мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий технологик линия ишга туширилди.*

Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ҳамда дизайни жиҳатидан хорижнинг шу каби маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олади.

Эътиборлиси, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда хусусий корхоналар томонидан 45,3 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

**11 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар. Кун тартибига 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлис иккала палатасининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари киритилди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси бозор иқтисодиётининг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қонунчилик базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадини кўзлайди. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар тугатишга доир иш юритиш айрим тартиб-таомилларини ўтказиш, банкрот корхоналарнинг мол-мулкини зарур бўлган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун янги самарали мулкдорларга реализация қилиш муддатларини тезлаштиришга қаратилган. Жумладан, қонун лойиҳасига мувофиқ, кредиторлар йиғилишининг баённомасини хўжалик судига топшириш муддатини икки кунгача (беш кун ўрнига), банкротлик тўғрисидаги ишни хўжалик судининг мажлисида кўриб чиқиш муддатини эса икки ойгача (уч ой ўрнига) қисқартириш таклиф этилмоқда.

Бундан ташқари, аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини, иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш мақсадида қонун лойиҳасида қарздорни тугатишга доир ишларни унинг фаолиятини тўхтатмаган ҳолда амалга оширишни назарда тутувчи норма мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Киритилаётган тузатишлар моддама-модда батафсил муҳокама этилганидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди, Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кредит ахбороти алмашиш ва кредит битимининг ҳолати, унинг юзасидан мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, кредит ахбороти субъектларининг кредитни тўлашга қодирлиги, молиявий ҳолати, тўлов қобилияти, тўлов интизоми ва бошқа сифатлари ҳақидаги ўзга ахборотни тақдим этишнинг таъсирчан тизимини яратишга қаратилган. Қонун лойиҳасига мувофиқ, кредит ахбороти алмашинуви билан фақат кредит бюроси шуғулланиши мумкин. Моддама-модда муҳокама қилиш якунлари бўйича ушбу Қонун ҳам қабул қилинди ва Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига бир нечта қонун лойиҳаси биринчи ўқишда киритилди.

(Давоми 2-бетда).

## АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

***Бу йил Ватанимиз мустақилликка эришганига йигирма йил тўлади. Ушбу давр ичида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Босиб ўтилган йўл тарихан қисқа бўлса ҳам, амалга оширилган ишлар миқёсига боқиб, унинг ҳар бир йилини асрлар билан менгзаш мумкин.***

### КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Дарҳақиқат, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлаш арафасида босиб ўтилган мураккаб йўлга яна бир бор назар ташлаш, қўлга киритилган ютуқлар замиридаги меҳнатни кенг аҳоли қатламига етказиш ниҳоятда муҳимдир. Зеро, мамлакатимизда кечаётган янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари, демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш йўлида эришган марраларимиз бугун ҳақли равишда жаҳон аҳлининг эътирофига сазовор бўлаяпти.

Республикада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг самараси барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди. Зотан, оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишда тобора катта роль ўйнамоқда.

Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг таҳлили уларнинг демократик андоза ва халқаро меъёрларга тўла мос келишини, бу соҳага оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш изчил ва тизимли тарзда амалга ошириб борилганлигини кўрсатмоқда. Натижада юртимизда босма нашрлар сони кўпайди, хусусий газета ва телестудиялар тизими юзага келди, оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча ташкилотлар тузилди. Хусусан, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташкил этилиб, самарали фаолият юритмоқда.

Мустақиллик йилларида вужудга келган бундай шарт-шароитлар оммавий ахборот воситаларига ўз вазифаларини самарали бажариши учун кенг имкониятлар очди. Буни рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин: масалан, 1994 йилда республикада 475 та оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб, мамлакатимизда 1200 дан зиёд оммавий ахборот воситаси мавжуд. Шунингдек, 150 тадан зиёд веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари эканлиги, айниқса, эътиборлидир.

Булар мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини либераллаштиришга оид сиёсат тизимли, босқичма-босқич ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Айни чоғда юртимизда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар оммавий ахборот воситалари ишида янги йўналишларнинг пайдо бўлиши ва соҳага оид қонунчилик базасини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Август — ҳосилга ҳосил қўшиш зарбдор ойи

***Асл деҳқон табиатнинг авзойини олдиндан билиб, шунга қараб иш тутади. Нега деганда, қишлоқ хўжалигининг ривожи, кўп жиҳатдан, об-ҳавонинг қандай келишига боғлиқ. Масалан, жорий экин-тикин мавсуми қуруқ ва камёғин келди.***

## ЮКСАК ХИРМОН ГАРОВИ

Айниқса, Навоий вилоятида намликнинг ўртача меъёрдан паст бўлиши 35 минг 800 гектар майдонга қадалган чигитни ундириб олишда бирмунча мураккабликларни юзага келтирди. Бундай шароитда фермерлар кўп йиллик тажрибага таяниб, омилкорлик билан меҳнат қилгани айни муддао бўлди.

Ҳозирги кунда, айтиш мумкинки, ғўзанинг ҳолати кўнгилдагидек. Бундай дейишимнинг сабаби, унинг ривожи олдинги йилдагига нисбатан анча олдинда. Агротехника тадбирлари обитобида ўтказилаётгани туфайли ҳар туп ниҳол шиғил кўсак олаяпти. Ҳосилнинг чўғи янада юқори, сифатли ва эртаки бўлишини истаган деҳқону фермерлар айни шу кунларда ғайрат-шижоатни асло сусайтирмасликлари керак. Чунки пахтачиликда август ойида бажариладиган юмушларнинг аҳамияти беқиёс. Бу даврда шаклланган кўсаклар бўлиқ бўлиб, юқори сифатли ҳосил беради.

Август ойида тўпланган ҳосилни асраб қолиш, унинг ёнига ҳосил қўшиш ниятида суғориш, культивация қилиш, касаллик ва ҳашаротлардан ҳимоя қилишга жиддий эътибор қаратилаяпти. Жумладан, суғориш, асосан, тунда эгат оралатиб бажарилаётгани обиҳаёт сарфини гектарига 800-1000 кубометргача тежаш имконини бераяпти.

(Давоми 2-бетда).

## «РАҒБАТ МЕНГА ҚАНОТ БАҒИШЛАДИ»



*“Шу йилнинг 25 — 31 июль кунлари Италияда бўлиб ўтган “Giovani Talenti e Premio Rovere d’Oro 2011” номли халқаро пианиночилар ва камонли-торли мутахассисликлари бўйича танловга бораётиб, ич-ичимдан фақат эзгу ният қилдим. Дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатлари мусиқачилари орасида уялиб қолмайин, дея бор маҳоратимни ишга солдим. Танлов якуний босқичга етганида, менинг иқтидоримни синаб кўрганлар: “Сен учта куй ижро этасан, бошқалар биттадан мусиқани чалади”, дейишди. Улар айтганидек, учта куйни чалиб бердим. Ҳаяжонли дамлар бошланди. Ниҳоят, ҳайъат аъзоларининг: “Оқила Мирҳожиева, Ўзбекистон, Гран-при” деган сўзларини эшитиб, бошим осмонга етди. Таниган-танимаган барча тенгдошларимнинг табриклари оғушида қолдим. Бу қувонч ўзимники, ютуқ юртимники! Мен билан бирга танловга борган виолончель ижрочиси Дилшод Нарзуллаев ҳам Гран-прини қўлга киритди. Скрипкачи Юлдуз Муллажонова эса совриндорлар сафидан жой олди. Бизни ардоқлаётган, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз учун беқиёс имкониятлар яратиб бераётган Президентимизнинг, қолаверса, ота-оналаримизнинг ишончини оқлаганимиздан ниҳоятда мамнунмиз. Айни шу ишонч ва рағбат бизга қанот бағишлади.”*

### Ифтихор

Бу сўзлар пойтахтимизнинг Олмазор тумани, Мирзо Ғолиб маҳалласида яшовчи Аброр ва Муножот Мирҳожиевларнинг оиласида туғилиб ўсган, Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида фортепиано йўналишида сабоқ олаётган 11 ёшли Оқила Мирҳожиевага тегишли.

...Боланинг келажакда қайси касбни эгаллаши, қандай феъл-атвор эгаси бўлиши унинг аввал-бошдаги тарбиясига, камол топаётган оиласидаги муҳитга боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда фарзанд тарбиясига давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда. Бундай сиёсат камдан-кам мамлакатларга хос. Бинобарин, Президентимизнинг “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган

(Давоми 3-бетда).

# ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26 ва 27-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси бор. Унга кўра, амалдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддаси ушбу Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, дарёларнинг ўзанларини тозалаш, каналлар ва коллекторлар қуриш ҳамда уларни тозалаш чоғида ҳосил бўладиган чиқиндилардан фойдаланиш учун лицензия олиш талаб қилинмаслиги ҳақида норма билан, 27-модда эса геологик ўрганиш, тажриба-саноат йўсинида кавлаб олиш, шунингдек, техноген минерал ҳосилаларни ишлатиш учун норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур соҳада лицензия берувчи Комиссияси томонидан берилиши тўғрисидаги қоида билан тўлдирилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши муносабати билан ишлаб чиқилган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида долзарб аҳамиятга эга. Унда тадбиркорлар ва давлат хизматчилари ҳамкорлигининг асосий элементлари акс эттирилган, рухсатнома хусусиятидаги ҳужжатларни беришда «бир дарча» принципи жорий этилмоқда. Рухсат бериш тартиб-таомилларининг шаффофлигини таъминлаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида қонун лойиҳасида тадбиркорларнинг тегишли ҳужжатларни бериш сўралган аризаларини кўриб чиқишнинг аниқ муддатларини белгилаш, хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомилларининг узил-кесил рўйхати ва турлари ҳамда рухсатнома беришни рад этиш, рухсатномани тўхтатиб туриш ёки тугатиш учун асосларнинг аниқ рўйхатини белгилаб қўйиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар ана шу ҳуқуқий ҳужжат билан бир вақтда «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Унда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Радиочастота спектри тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга тегишли тузатишларни киритиш таклиф этилди.

Депутатлар муҳокамалар пайтида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, юқорида кўрсатилган учала қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқулладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилиб, ҳужжатларни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлашни масъул қўмиталарга топширдилар.

Қонун ҳужжатларида берилган ўз ваколатларига мувофиқ, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи киритган атроф-муҳитнинг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ифлослантирилишининг олдини олишни комплекс таъминловчи қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ҳақидаги парламент сўровини кўриб чиқдилар. Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси тегишли қарор қабул қилди.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидладиларки, мамлакатимизда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш учун, энг аввало, иқтисодиётни тобора ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларига мос, ишончли ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратиш зарур. Улар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, иқтисодий ўсишнинг янги кучли омилларини яратишга халақит бераётган барча тўсиқларни тезроқ бартараф этиш муҳимлигини қайд этдилар.

Ҳар бир қонун лойиҳасининг муҳокамаси манфаатдорлик билан, партиялар дастурлари ва сайловчиларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда эркин баҳс ва нуқтаи назарлар рақобати руҳида ўтди. Бунда сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари кўриб чиқилган қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор амалий таклифлар киритдилар. Улардан энг аҳамиятлилари қонун лойиҳаларини маромига етказиш чоғида инобатга олинади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**



# БЕҚИЁС ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

***Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли қисмлардан биридаги ҳарбийлар хонадонида мустақиллигимизнинг 20 йиллиги қўшалоқ байрам сифатида нишонланадиган бўлди. Бу ерда ҳарбий хизматчилар учун 48 хонадонли кўп қаватли тураржой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

**Эътибор**

Байрам арафасида янги хонадон соҳиблари ўз хурсандчиликларини ҳамкасблари, дўст-ёрлари билан баҳам кўришмоқда. Катта лейтенант Муҳаммад Қидирниёзов турмуш ўртоғи Нигора билан бирга фарзанди Жаҳонгирни муносиб тарбиялаш учун қулай шароит ва имкониятга эга бўлганидан ғоятда мамнун.

— Янги уйимиз биз учун Истиқлолимизнинг 20 йиллигига ҳақиқий туҳфа бўлди, — дейди ёш оила соҳиби. — Юртбошимизга катта раҳмат. Хонадонимизда барча замонавий қулайликлар ва шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бу давлатимиз томонидан биз, ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган беқиёс эътибор ва ғамхўрлик, қолаверса, юксак ишончдир. Келгусида Юртбошимизнинг, халқимизнинг ана шу ишончини ўзимнинг фидойи меҳнатим ва хизматим билан оқлашга ҳаракат қиламан.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан аскар, сержант ва офицерлар таркибининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини изчил ва тизимли равишда яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жойлар билан таъминлаш, ҳарбий шаҳарчаларни қуриш ва реконструкция қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу борада давлат дастурлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси изчиллик билан амалга оширилаётгани эътиборлидир.

Янги тураржой биносининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда 48 нафар ҳарбий хизматчига хонадонлар калитлари тантанали равишда топширилди.

**А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусан, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам қайд этилди.

Концепцияда таклиф қилинган қонунчилик ташаббуслари оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориши ҳамда ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида янада мустаҳкам алоқа ўрнатишига қаратилган. Улар, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, улардан давлат ва жамият қурилиш тизимида кенг фойдаланиш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш, қисқача айтганда, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада оширишга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга доир конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқариш масалаларини қамраб олган.

Шу ўринда Концепцияда қайд этилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Зеро, мустақиллик йилларида фуқаролар учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан мунтазам бохабар бўлиш ва ундан эркин фойдаланиш масаласида барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилаётир. Хусусан, аҳоли ҳамда ОАВнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида тезкор ахборот олишини йўлга қўйиш мақсадида интернет тармоғида давлат идораларининг веб-сайтларини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунга келиб, қарийб барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари интернет тармоғида ўзларининг веб-сайтларига эга. Уларда фуқаролар учун тегишли маълумотлар, қонун ҳужжатлари билан танишиш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, миллий ахборот маконимизда веб-сайтлар сони муттасил ошиб бораётганлигини қайд этиш зарур.

Ахборот соҳасидаги кенг кўламли ишлар, соҳадаги ютуқлар ҳақида фикр юритганда, кундалик ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган интернет тизимига ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида ундан фойдаланувчилар сони кун сайин кўпайиб бораётир. Айни пайтда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 7,7 миллион нафар кишини ташкил этаётганлиги, интернет хизматларини кўрсатаётган операторлар ва провайдерлар эса мингдан ошиқ эканлиги, шунингдек, хизмат тарифлари шу йилнинг ўзида 23 фоизга камайганлиги ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.

Истиқлол йилларида халқимиз орзу-истакларининг холис ифодачиси бўлиб келаётган, ҳаётимизда, тафаккуримизда юз бераётган оламшумул ўзгаришларни изчил ёритиб, ютуқ-камчиликларимизни холис таҳлил қилаётган, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин олишига ўз ҳиссасини қўшаётган оммавий ахборот воситалари ҳам ўзининг даъваткор ва таъсирчан сўзи билан ҳамиша эзгуликка, яратувчанликка чақиради.

Бундай юксак натижаларга осонгина эришилган эмас. Шундай экан, бугунги дориламон кунларимиз қадрига етмоқ учун, аввало, бундай бахт-саодатга қанчалик машаққатлар эвазига эришганимизни чуқур англаб, шукрона айтишимиз, ёруғ келажагимиз билан фахру ифтихорга тўлишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Алишер МУМИНОВ, сиёсий фанлар доктори.**

# ЭНГ ЯХШИ САЙТЛАР

## "UZ" миллий домени интернет фестивалида аниқланади

(Давоми. Боши 1-бетда).

"UZ" миллий домени интернет фестивали муносабати билан ташкил этилган матбуот анжуманида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Х. Мирзоҳидов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлади. Бу борада, айниқса, юртимизда интернет тизими ҳам жадал ривожланаётгани диққатга сазовор. Мисол учун, ҳозир интернетдан фойдаланаётганлар сони 7,7 млн. кишини ташкил этаяпти. Эътиборлиси, уларнинг 4,27 миллион нафари мазкур тармоққа мобиль алоқа орқали уланмоқда.

Мамлакатимизда интернет фестиваллар 2001 йилдан бери ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон миллий доменини ривожлантириш мақсадида 2007 йилдан бошлаб "UZ" миллий домени интернет-фестивалларини ўтказиш анъанага айланди.

2011 йилнинг 10 август ҳолатига кўра, "UZ" зонасида иккинчи даражали доменлар сони 12500 дан ошди. Бундан ташқари, "UZ" доменига тегишли бир неча минг учинчи даражали доменлар ҳам мавжуд.

Жорий йилда фестиваль 10 августдан 26 сентябрга қадар ўтказилади. Танловнинг асосий мақсад ва вазифалари ўтган йиллардаги каби мамлакатимиз аҳолиси ўртасида интернет тармоғини оммавийлаштириш, интернет тармоғида миллий контентни ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш, интернет тармоғида ўзбек тилини қўллашни кенгайтиришдан иборат.

Танловда "UZ" доменидан рўйхатдан ўтган сайтлар иштирок этишлари мумкин. Унда қатнашиш учун номзодлар фестивалнинг расмий www.if.uz сайтида тақдим этилган рўйхатга олиш шакли бўйича кўрсатилади. Танловда қатнашиш учун аризалар бериш муддати шу йилнинг 10 августидан 10 сентябригача давом этади.

Сайтларни баҳолаш учун интернет-технологиялар, санъат, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳалар мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати ташкил этилади. Бу йилги фестивал дастури 13 та мавзуга оид ва иккита махсус номинацияни ўз ичига олади. Мазкур йилда иштирокчилар учун www.uz миллий қидирув тизимининг махсус мукофотлари киритилган. Ҳар бир мавзуга оид номинация бўйича энг кўп хост тўплаган 13 та сайт танлов ғолиблигини қўлга киритади. Танловдаги янгиликлардан яна бири "Энг яхши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сайти" номинациясининг жорий этилганлигидир.

Ҳар бир номинацияда биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин эгалари аниқланади, ғолибларга диплом ва мукофотлар топширилади. Фестиваль ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими 26 сентябрь куни пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЮКСАК ХИРМОН ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқимизда "Асад суви — асал суви" деган пурмаъно ҳикмат бор. Чиндан ҳам, асад, яъни август ойида таралган сув — ғўза учун бамисоли қон. Айниқса, у "шарбат" усулида бажарилса, кони фойда. Негаки, ғўза қатор ораларига "шарбат" оқизилиши билан олдиндан берилган минерал ўғитларнинг ўзлаштирилиши яхшиланади, органик ўғитга бўлган талаб қондирилади. Яна бир эътиборли жиҳати, "шарбат" сувига тўйинган ғўза қатор ораларида нам узоқ сақланиб, навбатдаги сувга бўлган талаб яна 6-8 кунга узаяди.

Тажрибали деҳқонлар ушбу ойда қатор оралаб юриб, ғўзаларни "варақлайдилар". Бу тадбир билан улар, аввало, даланинг қаерида аҳвол қандайлигини аниқлайдилар, иккинчидан, "варақлаш" орқали экин бағрига шабада теггдириб, ҳосил элементларининг димиқмаслигига эришган ҳолда, унинг баракасини таъминлайдилар. Шунинг учун мўл ҳосилни кўзлаган ҳар бир фермер ғўза оралашдан, уни китобдек "варақлашдан" эринмаслиги керак.

Шу билан бирга, қатор ораларини енгил культивация қилиш, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашишни ҳам сусайтирмаслик лозим. Ана шунда бўлиқ кўсаклар сони кўпайиб, ҳосил салмоғи ошади, сифати яхшиланади. Шунинг учун бугун барча қишлоқ меҳнаткашлари пахтакорларга ҳар томонлама мадад бериб, уларнинг энг яқин кўмакчисига айланган. Зотан, августнинг ҳар дақиқаси ғанимат. Ундан оқилона фойдаланиб, фидокорона меҳнат қилган деҳқоннинг ҳосили баракали, хирмони юксак бўлиши, шубҳасиз.

**Маъруф ТОШЕВ, Навоий вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.**

## Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

• ДЕНОВ шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида 200 нафардан зиёд корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан қатнашди. Якунда 161 киши янги жамоалари билан меҳнат шартномаларини имзоладилар.

**• ХОВОС туманидаги Қаҳрамон қўрғонида 56 миллион сўмлик маблағ эвазига сувни тозаловчи ускуна қурилди. Натижада 1422 кишининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди.**

• ТАХИАТОШ шаҳрида йўлак қопламалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Замирбек-Тахиатош" хусусий корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада дастлабки 20 миллион сўмликка яқин маҳсулотлар тайёрланиб, қурилиш ташкилотларига етказиб берилди.

**• БАХМАЛ туманилик тадбиркор Бегали Эшманов имкониятлардан фойдаланиб, ўзи раҳбарлик қилаётган "Бегали Жамшид" фермер хўжалиги қошида қандолатчилик ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологик линияни ишга туширди. Ҳозир бу ерда 10 турдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланиб, ҳудуддаги савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.**

• Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ЧИРЧИҚ шаҳрида "Ягона ойна" маркази иш бошлади. Ишбилармонлар ташаббуси билан ташкил этилган ушбу марказда ҳуқуқий маслаҳатхона, нотариал идора, статистик ҳисоботларни қабул қилиш ҳамда товар ва хом ашё биржаси бўлимлари мавжуд.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН МУНАВВАР ШАҲАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Чиндан ҳам, шаҳар инфратузилмаси бугун ҳавас қилса арзигулик. Шу билан бирга, унинг индустриал имкониятлари ҳам тобора юксалиб бормоқда. Масалан, сўнгги бир ярим йил ичида Қўқонда 16 та янги корхона фойдаланишга топширилди. Жорий йилнинг ўзида шаҳарда 183 та кичик бизнес субъектини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, айни пайтга келиб, ушбу вазифа ортиғи билан бажарилди. Яъни 200 та кичик бизнес субъекти фаолияти йўлга қўйилиб, тўрт мингдан зиёд ёшлар ишга жалб этилди.

Иқтисодий ислоҳотлар шаҳардаги ночор саноат корхоналарига қайта ҳаёт бағишлаяпти. Бунга "Қўқон тўқимачилик комбинати" давлат корхонаси фаолияти мисол бўла олади. Гап шундаки, унинг негизида "Индорама — Қўқон тўқимачи" замонавий тўқимачилик корхонаси ташкил этилди. Бу ерга Швейцариянинг "Лува", "Риттер" ҳамда Япониянинг "Муратта", "Тойота" компанияларидан ип йигириш, ўраш дастгоҳлари, ҳаво тозалаш ва совитиш жиҳозлари олиб келиб ўрнатилди. Қўшма корхонанинг 200 кишилик жамоаси ушбу ускуналар ёрдамида ташқи бозорда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Қувонарлиси, Қўқон шаҳрида саноат корхоналарига ҳам асос солинмоқда. Куни кеча бу ерда "Матиз" русумли машиналар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Автосаноат компонент" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ташкил этилган мазкур корхонада импорт ўрнини босувчи 50 га яқин автомобиль эҳтиёт қисмлари тайёрланаяпти. Энг муҳими, бу маҳсулотлар 50 нафардан зиёд қўқонлик ёшлар томонидан ишлаб чиқарилаётир.

— Бугун биз, ёшларнинг пухта билим олишимиз, ўзимиз қизиққан мутахассислик малакасига эга бўлишимиз учун барча имкониятлар яратилмоқда, — дейди шаҳардаги педагогика коллежи ўқувчиси Гулзода Саидумарова. — Жонажон шаҳримизда кейинги бир ярим йил ичида фақат ёшлар ҳаёти, ижоди, фаолиятига дахлдор 100 га яқин иншоотлар барпо этилди. Масалан, Ўрмончилар боғини олайлик. Бу ер шаҳардаги деярли унутилиб кетган, ташландиқ бир жой эди. Бугун у жуда ҳам обод гўшага, бизнинг севимли хиёбонимизга айланди. Боққа яқин жойда эса иккита болалар мусиқа ва санъат мактаби, спорт мажмуаси, очиқ сув ҳавзаси барпо этилди. Энди истаган спорт тури билан шуғулланишимиз, ҳунар ўрганишимиз, бўш вақтимизни унумли ва мароқли ўтказишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, Гулноза айтганидек, спортчи ёшлар учун шаҳарда энди янада кўпроқ имконият ва шарт-шароит мавжуд. Чунки 17 та умумтаълим мактабида замонавий типдаги спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундай юксак эътибор самараси ўлароқ, сўнгги икки йил ичида шаҳар мактабларидаги спорт тўгараклари сони 124 тадан 324 тага етди. Спорт билан шуғулланувчи ўқувчилар сони 14 фоиздан 25 фоизга ошди. Шу билан бирга, шаҳардаги 15 та мактаб реконструкциядан, 15 таси капитал таъмирдан, 4 таси эса жорий таъмирдан чиқарилди.

Мухтасар айтганда, истиқлолнинг нурли манзили — Хўқанди латиф юксак ғамхўрлик ва ташаббуслар туфайли кун сайин, соат сайин кўркамлашиб бормоқда. Кўҳна шаҳарнинг навқирон жамоли дилларга завқ, кўнгилларга ифтихор бахш этаяпти...

— Қўқонга бундан тўрт йил аввал келган эдим, — дейди бир ҳамкасбимиз. — Шаҳарни мутлақо таниёлмай қолдим-а!

— Сиз-ку, тўрт йил аввал келган экансиз, баъзилар уч ой муқаддам ташриф буюрган бўлса ҳам, янгиланишлардан ҳайратга тушаяпти, — дейди бунга жавобан "Қўқон автохизмат" масъулияти чекланган жамияти раиси Иброҳим Сулаймонов. — Ҳатто ўзимиз ҳам ўзгаришларга шу даражада ўрганиб қолдикки, "Бугун қаерда нима қурилаяпти экан?" дея янгилик кутиб қизиқсинамиз. Шаҳримиздаги бу каби беқиёс янгиланишлар кўнгилларимизга олам-олам қувонч, вужудимизга ғайрату шижоат бағишлаяпти. Мана шундай ҳавас қиларли ҳаётимизга, фаровонлигимизга кўз тегмасин, илоҳим! Пок ниятларимизу эзгу ташаббусларимиз ҳамиша бардавом бўлаверсин!

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**





Шомурот ШАРАПОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 709,9 ▼ -3,1 | УН биринчи нав 509,2 ▼ -17,8 | УН иккинчи нав 466,7 ▲ +0,2 | ПАХТА ЁҒИ 1685,7 ▼ -6,7 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 227,8 ▲ +1,7 |
|---|---|---|---|---|---|

***Мустақиллик йилларида нодавлат нотижорат ташкилотларига кенг имкониятлар яратилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 5 мингдан ортиқ жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. Бу рақамлар ушбу тизим фуқаролик жамиятининг муҳим бўғинига айланиб бораётганлигидан далолат беради. Улар орасидаги энг йирик ва оммавий ташкилот — касаба уюшмалари мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги янгиланишларда муносиб ўринга эга.***

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Истиқлол йилларида касаба уюшмалари фаолиятининг мазмун ва моҳияти тубдан ўзгарди. Бу давр ташкилот учун изланиш, янгича шароитда янгича иш услубларини ҳаётга татбиқ этиш даври бўлди.

> Ўз сафларида 150 мингдан ортиқ аъзоларни бирлаштирган Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши ҳар бир касаба уюшма аъзосининг ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор билан ёндашмоқда.

Вилоят миқёсида тузилган 2 та шаҳар, туманлардаги 13 та жамоа келишувлари ҳамда ўқув муассасалари, ташкилотларда қабул қилинган 1035 та жамоа шартномасида ходимлар ва талабалар учун бир қатор қўшимча имтиёзлар белгиланган. Жамоа келишуви ва жамоа шартномалари билан боғлиқ тадбирларни бажариш учун ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга кетган сарф-харажатлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2010 йил якунларига кўра, бу кўрсаткич битта ходимга нисбатан 255583 сўмни ташкил этди.

Айтиш керакки замон касаба уюшмалари олдига ҳуқуқий ҳимоя ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида янги вазифаларни қўймоқда. Шундан келиб чиқиб, кенгашимиз вилоят ўқув муассасаларида меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиб, уларга услубий тавсия, амалий ёрдамлар кўрсатиб келмоқда. 2011 йилда вилоят адлия бошқармаси билан ҳамкорликда меҳнат шартномаси ва уни тузишнинг ўзига хос жиҳатлари, Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида ёшлар учун белгиланган қўшимча кафолатлар тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

2010 йилда уюшмамизга тушган 71 ёзма ариза ва 75 та оғзаки мурожаат, 2011 йилнинг 6 ойи давомида 30 та ёзма ариза ўз вақтида ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Ноқонуний равишда ишдан бўшатилган 2 нафар ходим ўз лавозимига қайта тикланди.

Ёшларнинг камолоти йўлидаги давлат сиёсатини амалга оширишда ҳам касаба уюшма ташкилоти яқин кўмакдош бўлиб келмоқда. Вилоят кенгаши 2000 йилдан бошлаб ижтимоий кам таъминланган аълочи ва фаол талабаларни рағбатлантириб бориш мақсадида ўз стипендиясини таъсис этди. Ҳозир 5 нафар олий ўқув юрти талабаси, 15 нафар ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув юртлари ўқувчиси, 100 нафар мактаб ўқувчиси, 32-Меҳрибонлик уйининг 5 нафар тарбияланувчисига устама стипендиялар тўланмоқда.

Вилоят кенгаши томонидан 100 нафар кам таъминланган ўқитувчи ва мураббийлар учун "Ижтимоий рағбат" мукофоти ҳам жорий этилган.

**Жараён**

Булардан ташқари, ҳар йили янги ўқув йили арафасида муҳтож оилалар фарзандлари янги мактаб ва спорт формалари, ўқув қуроллари билан таъминланади. Ногирон ходимлар ва ўқувчиларга манзилли ёрдамлар уюштирилади. Наврўз байрами арафасида 82 нафар кам таъминланган оилада тарбияланаётган ўқувчиларга кийим-кечаклар, 245 нафар уйда таълим олаётган ногиронларга ўқув қуроллари ва 15 нафарига озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Давом этаётган ёзги таътил мавсумида 500 нафардан ортиқ ўқувчиларни Мустақилликнинг 20 йиллигига атаб барпо этилган иншоотлар билан таништириш учун саёҳатлар уюштирилди. Тармоққа қарашли 3 та шаҳарорти, 55 та мактаб қошидаги оромгоҳларда бугунгача 9200 нафардан зиёд бола дам олди. Кенгаш ўз хайрли ишларини изчил давом эттирмоқда.

Касаба уюшма ташкилотлари мамлакатимизда энг эзгу мақсадларда олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда ҳамиша давлатимизнинг ишончли ва хайрли ҳамкорларидан бўлиб қолаверади.

**Бахшилло УМАРОВ,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши раиси.**

# «РАҒБАТ МЕНГА ҚАНОТ БАҒИШЛАДИ»

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ёш авлод тарбиясига қаратилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий тасдиғи сифатида аҳамиятлидир.

— Бундай ютуқлар замирида Президентимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрликлари мужассам, — дейди Оқиланинг устозларидан бири Гулжаҳон Ҳасанова. — Айрим мамлакатларда бола тақдири ҳеч кимни, ҳатто унинг ота-онасини ҳам қизиқтирмайди. Бунинг учун моддий имкон ҳам, маънавий муҳит ҳам йўқ. Минглаб болалар кўча-кўйда сарсон-саргардон. Бизда эса, шукрки, ҳар бир фарзанд туғилишидан то вояга етгунига қадар эътибор ва эъзозда. Бундай юксак ғамхўрликнинг қадрига етиб, бор имкониятини ва иқтидорини намоён этаётган ёшлар сафи кенгайиб бораётгани эса ҳар биримизни қувонтиради.

Дарҳақиқат, умид билан экилган ниҳол кун келиб бўй кўрсатиши, мева бериши муқаррар. Давлатимиз раҳбарининг ёш авлод тарбиясига, уларни қўллаб-қувватлашга қаратаётган беқиёс эътибори бугун минглаб истеъдодли ёшларимиз ютуқлари тимсолида намоён бўлаётир. Бу кимни қувонтирмайди?!

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мусиқага ошно тутинган болаларнинг фикрлаш қобилияти, дунёқараши ҳам бошқача бўлади. Яъни бола агар мусиқага қанчалик эрта кўнгил қўйса, унинг фикрлаш қобилияти ҳам шунга яраша шаклланиб бораверади. Муҳими, бундай болаларда ёлғон гапириш, бировни алдаш каби иллатлар учрамайди.

Буларни айтишдан муддао шуки, мамлакатимизда болаларнинг мусиқага бўлган қизиқиши ва иқтидорини юзага чиқариш, умуман, ёшларга қаратилаётган эътибор замирида уларнинг маънавий етуклигини таъминлаш мақсади мужассам. Дунёнинг бирон бир мамлакатида кузатилмаган бундай ғамхўрликнинг ёшларимиз онгига ижобий таъсир этаётгани бу борадаги ислоҳотларнинг юксак самарасидир, албатта...

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**


«Тасвирий ойина ижодий уюшмаси»
Қашқадарё вилояти бўлими
барча юртдошларимизни Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллик байрами билан муборакбод этади!
Барча ватандошларимизга байрам кайфияти, оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилаб қолади!




935R/839

● Реклама ва эълонлар ●

Ҳурматли юртдошлар!
«АСАКА» банки (ОАЖ)
сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллик байрами билан табриклайди ва янги, муддатли омонат турини таклиф этади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ
«ШОДИЁНА»
АҚШ долларида.
Сақланиш муддати — 2 йил. Ҳисобланган фоизлар ҳар йилда ёки омонат ёпилганда берилади.

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Хизматлар лицензияланган.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 226-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 221-77-56 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 770-60-59 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:
- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

1036R/10

O.K.U.F. F.T.U.U.
«ЧОРТОҚ САНАТОРИЯСИ»
акциядорлик жамияти жамоаси
меҳнатсевар халқимизни яқинлашиб келаётган Истиқлол байрамининг 20 йиллиги билан самимий муборакбод этади!
Бахт ва қувонч доимо ҳамроҳ бўлишини, жамики яхши ниятларингиз амалга ошишини тилайди!



1043R/1410

ЎЗ СТЕНДИНГИЗГА ЭГА БЎЛИНГ!
Иштирок этиш масалалари бўйича ташкилотчилар офисига мурожаат қилинг 113 01 80
Катта бизнес учун кенг макон



miningworld UZBEKISTAN
6-Ўзбекистон Халқаро кўргазма ва анжуман
ТОҒ-КОН ИШИ



5-7 октябрь, 2011 йил
«Ўзэкспомарказ», Тошкент, Ўзбекистон

ТАШКИЛОТЧИ ITE
ITE Uzbekistan
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-«А».
Тел.: +(998 71) 113 01 80, Факс: +(998 71) 237 22 72
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.uz
www.mining.uz
ufi Member
Guvohnoma № 3583
1033R/30

# БУХОРО МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ

жамоаси

*барча юртдошларимизни, касбдошларини*

**Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги**

*билан самимий муборакбод этади!*

*Юртимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва тотувлик доимо барқарор бўлиб, дилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва меҳр-оқибат туйғулари асло тарк этмаслигини тилайди.*



*Энг улуғ, энг азиз байрам муборак!*

1049R/1410

# «Uz-Dong Ju Paint Co.»

## лок-бўёқ ишлаб чиқариш қўшма корхонаси жамоаси

барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам —

**Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги**

билан самимий қутлайди!

*Истиқлолимиз шарофати ила гуллаб-яшнаётган юртимиз ривожи йўлида амалга ошираётган ишларида омад ва куч-қувват тилайди.*




*Маҳсулот сертификатланган.*

# «МУБОРАКНЕФТГАЗ»

## УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*мамлакатимиз нефть ва газ саноати ходимларини, барча юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрам —*

**Истиқлолимизнинг 20 йиллиги**

*билан чин дилдан табриклайди!*

*Мустақил мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга, нефть ва газ саноатини янада тараққий эттиришга, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган кўп минг кишилик жамоамиз тармоқнинг пешқадам корхоналари сафида бораётганлиги билан фахрланади.*
*Бу зиммамиздаги масъулиятни янада оширади.*

*Халқимизга сиҳат-саломатлик, келгуси ишларига катта муваффақиятлар, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!*



1027R/536

*Ташкилот ва корхоналар диққатига!*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

**«Маълумотларни қайта ишлаш ва солиқ ахборотларини сақлаш марказини ташкил этиш. TE.DSQ.2011-2» лойиҳаси бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади ҳамда тендерда қатнашишга маҳаллий ва хорижий ташкилотларни, шу жумладан, кичик бизнес субъектларини ҳам таклиф этади (ташкилотлар мазкур лойиҳага ўхшаш ишларни амалга ошириш бўйича тажрибага эга бўлишлари шарт).**

- **Тендер предмети** — Маълумотларни қайта ишлаш ва солиқ ахборотларини сақлаш марказини ташкил этиш.
- **Лойиҳани амалга ошириш** — 2012 йил охиригача кечикмасдан.
- **Лойиҳанинг энг юқори баҳоси** — 3,3 млн. АҚШ доллари.
- **Тендерда иштирок этиш истагида бўлган талабгорларнинг дастлабки малакавий танловдан ўтишлари учун аризаларини қабул қилиш муддати** — эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун.
- **Тендер таклифларини қабул қилиш** — 2011 йил 11 сентябрь куни соат 18.00 гача.
- **Тендер ҳужжатларининг баҳоси** — 1 000 000 сўм, хорижий юридик шахслар учун — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўлов амалга ошириладиган кунда белгилаган курс бўйича АҚШ долларида.
- **Тендер иштирокчилари учун тендер таклифларини топширишдаги закалат суммаси** — 114 млн. сўм, хорижий юридик шахслар учун — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўлов амалга ошириладиган кунда белгилаган курс бўйича АҚШ долларида.

Тендер иштирокчилари тендер ҳужжатлари ва уни ўтказиш тартиби билан (техник қисмидан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг қуйидаги сайтида танишишлари мумкин: **www.soliq.uz**.

***Тендерда қатнашиш учун ҳужжатлар тўпламини тендер комиссияси ишчи органидан қуйидаги манзил бўйича харид қилиш мумкин:***

**Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-«А» уй.**
**Телефонлар: (8-371) 244-97-14, 244-97-66, 244-97-62, 244-97-44.**
**Факс: (8-371) 244-22-96.**

1047R/80

Ўзбекистон судьялари ассоциацияси ва Ўзбекистон суд тизими фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, Ўзбекистон суд тизими фахрийси

**Ҳалима Қодировна МУҲИДДИНОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«O`ztranssanoat» республика уюшмаси жамоаси масъул ходим

**Обид Алимович АКБАРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 269,6 ▲ + 2,2 | ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 264,6 ▲ + 4,8 | АРМАТУРА 3564,3 ▲ + 109,1 | ШИФЕР (1 лист) 14303 ▲ + 228 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ + 1,1 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг. |

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 52546 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5